



Бизни саройдай кенг ёп-ёруг хонага итариб киритиб юборишди. Ёругдан кўзлар камашиб кетди, мен кўзларимни юмдим. Бир лахзадан сўнг назарим столга, стол ортида аллакандай когозларни вараклаб ўтирган фукаро кийимидаги тўрт кимсага тушди. Бошка махбуслар бир четда тўда бўлиб туришарди. Биз хонани оралаб ўтиб, уларга кўшилдик. Кўпчилигини мен танирдим, колганлари, афтидан мухожирлар эди. Олдда бошлари думалок, бир-бирига ўхшаб кетадиган икки нафар малла соч туришарди: фронтсузлар бўлса керак, деб ўйладим. Бўйи паканароги дам-бадам шимини юлкиб кўяди – асабийлашаётир.

Шу алфозда уч соатча турдик, силлам куриб меровланиб колдим, бошим гувиллай бошлади. Бирок хона иссик эди, бир неча кун совукда колганимизданми, харкалай, бу ерда жон сакласа бўларди. Сокчилар махбусларни битта-битта столнинг олдига олиб келишди. Ўтирган ўша тўрт кимса улардан бирма-бир исм-шарифи ва касбини сўрайди. Бошка нарса уларни деярли кизиктирмайди чамаси, аммо гохи-гохида: «Ўк-дори ўгирлаганларга кўшилганмидинг?» ёки «Учинчи кун эрталаб каерда эдинг, нима килдинг?» дея савол бериб кўяди. Жавобини эшитиб ҳам ўтирмайди ё ўзларини эшитмаганга олади, атрофга бепарво караб кўяди-да, кейин ёзишга тушиб кетади. Томдан байналминал бригадага хизмат килганинг ростми, деб сўрашади. Бўйин товлашнинг фойдаси йўк - улар аллақачон Томнинг камзул чўнтагидан хужжатларини олиб кўйишган. Хуандан ҳеч нима сўрашмадиям, бироқ у исмини айтган ҳамано тез-тез бир нималарни ёзишди.

— Ўзларингга маълум, — деди Хуан, — менинг акам Хозе анархиячи. У ҳозир бу ерда йўк. Мен сиёсат билан шугулланмайман. Ҳеч қандай партияга аъзо эмасман.

Улар чурк этмай ёзишарди. Хуан жим туrolмади.

— Менинг гуноҳим йўк. Бошқалар учун жавобгар бўлишни хохламайман.

Унинг лаблари титрарди. Сокчи унингни ўчир, деб буюрди ва уни четга олиб чиқди.

Менга гал келди.

— Сизнинг исмингиз Пабло Иббietaми?

— Ҳа, — дедим мен.

Кимса когозга караб олиб сўради:

— Рамон Грис каерга яширинган?

— Билмайман.

— Уни олтинчидан ўн тўққизинчигача сиз уйингизда яшириб ўтиргансиз.

— Бекор гап.

Улар бир нималарни ёзишди, кейин сокчилар мени хонадан олиб чиқишди. Дахлизда Том билан Хуан икки кўрикчининг орасида туришарди. Кўрикчилар бизни олдиларига солиб

хайдаб кетишди. Йўл-йўлакай Том уларнинг биридан сўради:

— Хўш, буёги нима бўлади энди?

— Кайси маънода? – сўради сокчи.

— Бу нимади — сўрокми ёки суд?

— Суд.

— Тушунарли. Хўш, энди нима бўларкан?

Кўрикчи рўйхуш бермай жавоб килди:

— Хукмни сизларга камерада эълон килишади.

Уларнинг камера дегани аслида касалхонанинг ертўласи эди. Ертўла гўрдан баттар совук, тўрт тарафидан изиллаб изгирин елиб туради. Туни билан тишларимиз шакиллаб чикади, кундуз куни хам ахвол зигирча ўзгаргани йўк. Бундан олдинги беш кунни мен черков биносининг картсериди ўтказдим. — Бир кишилик турмахомага ўхшайдиган бу жой ўрта асрдан колган тошқопнинг ўзгинаси. Хибсга олинганлар хаддан ташқари кўплигидан уларни тўгри келган кавакка тикишарди.

Мен ўшанда тош казнокда ётганимдан афсусланмайман: у ерда, харкалай, совук суюкни какшатадиган даражада эмасди, факат бир ўзим ётардим, ёлғизлик эса силлани куритади. Ертўлада эса менинг кам деганда, шерикларим бор. Тўгри, Хуан деярли огзини очмайди: боякиш, каттик кўркади, устига устак хали жуда ёш, ниманиям гапирарди.

Томнинг, аксинча, жаги тинмайди, испанчага тўн кийдириб гапирарди.

Ертўлада курси ва яна тўртта ўриндик бор эди. Устимиздан кулфлашгач, келиб ўтирдик ва бир неча дакика сукут сакладик. Шундан сўнг Том гап бошлади:

— Тамом, шўримиз куриди.

— Шундайга ўхшайди, — маъқулладим мен. — Бирок манов гўдакка тегинишмас, харкалай.

— Акаси жангари бўлса бордир, бирок у айбдор эмас-ку.

Мен Хуанга карадим: назаримда у бизнинг гапимизни эшитмаётган эди.

Том гапини давом эттирди:

— Уларнинг Сарагосадаги вахшийликларидан хабаринг борми?

Одамларни тош йўлга катор килиб ёткизишарканда, устидан юк машинасини хайдаб дазмоллашаркан. Марокашлик бир кочок гапириб берди. Бу билан ўк-дорини иктисод килишаркан, дейди.

— Ёкилгини-чи, бензинни ким иктисод киларкан?

Том асабимни кўзгади: ахир, бу гапларни валдирашдан нима фойда.

— Зобитлар бўлса бу пайт кўлларини чўнтакка тикиб, огизларида сигарета билан йўл четиди бахузур, бориб-келиб юрармиш. Канийди, шўринг кургурлар бир зумда жон бериб, кутула колса. Каёкда! Соатлаб вой-додлаб ётишармиш. Марокашлик айтади, дастлаб огрикнинг зўридан товушлари чикмай коларкан хатто.

— Йўк, бу ерда ундай килишмайди, ишончим комил, — дедим мен, — бошқасини билмадиму бирок ўк-дори етарли.

Ертўлага тўртта тиркишдан ва шифтнинг чап тарафидаги шундок осмон кўриниб турадиган думалок туйнукдан ёруг тушиб туради. Олдин бу туйнукдан ертўлага кўмир ташланган. Дарвоке, туйнукнинг тагида, ерда майда кўмир уюми бор. Афтидан, касалхонани иситиш учун олиб келинган. Уруш бошланиб колиб, беморларни кўчиришган, кўмир эса жойида колган. Туйнукни бекитишни, эхтимол, ёддан чикариб кўйишган, гохи-гохида тепадан ёмгир томчилаб турган. Туйкусдан Томнинг жазаваси кўзиди:

— Минг лаънат! – тўнгиллади у. — Аъзойи баданим какшаяпти. Шу етмай турганди ўзи!

У ўрнидан туриб сакрай бошлади. Сакраганида кўйлагининг ёкаси очилиб, оппок сержун кўкраги кўриниб кетарди. Кейин энкайиб, кўлларига таянди ва оёқларини тепага кўтариб, кайчи кила бошлади: мен унинг бўлик думбалари диркиллаганини кўрдим. Сирасини айтганда, Том миктидан келган, этли эди. Беихтиёр бу сергўшт момик баданга ўк ва милтик найзалари, худди ёғни кесаётган пичоқдай, осонгина тешиб-ёриб киришини кўз олдимга келтирдим. Агар Тош озгин бўлганида, эхтимол, на кўл ва на оёгим борлигини сезардим. Ора-сира бир нимагни ўгирлатиб кўйгандай атрофга олазarak карайман, камзулимни излаб тимирскиланаман ва шунда уни кайтариб беришмагани тагин ёдимга тушади. Уларнинг бу килигидан хафа бўлдим. Бизнинг кийим-кечагимизни шилиб олишди ва беморлар авжи саратонда кийиб юрадиган калин иштонлар беришди. Том ўрнидан туриб, рўпарамизга келиб ўтириб олди.

— Калай, баданинг кизидими?

— Йўг-а, жин урсин. Нафасим тикилиб колди.

Соат саккизлар атрофида камерага комендант билан икки нафар аскар кириб келди.

Комендантнинг кўлида рўйхат бор эди. У кўрикчилардан сўради:

— Буларнинг исм-шарифлари нимаиди?

Кўрикчи жавоб килди:

— Стейнбок, Иббиета, Мирбал.

Комендант кўзойнагини кўндириб, рўйхатга каради.

— Стейнбок... Стейнбок... А-ха, мана. Сиз отишга хукм этилгансиз. Хукм эртага эрталаб ижро этилади.

У яна бир бор рўйхатга каради:

— Анови иккаласи хам.

— Мумкинмас, — мингирлади Хуан. — Бу хато.

Комендант унга ажабланиб каради:

— Исм-шарифинг?

— Хуан Мирбал.

— Хаммаси тўгри, отув!

— Ахир, мен ҳеч нима килганим йўк-ку, — тиргалди Хуан.

Комендант елкасини кисиб кўйди ва биз томонга бурилди:

— Сизлар баскмисизлар?

— Йўк.

Комендантнинг кайфи кочди.

— Менга бу ерда учта баск ўтирибди, дейишганди-ку. Нима, менинг уларни кидиришдан бўлак ишим йўкми. Сизларга, албатта, рухонийнинг кераги йўқдир?

Биз индамадик.

— Хозир олдингизга табиб келади, у белгиялик. Эрталабгача бирга бўлади сизлар билан, — деди комендант ва харбийчасига хайр-хўшлашиб чикиб кетди.

— Хўш, мен нима дегандим, — деди Том. — Олижаноблик килишибди.

— Хакикатдан, — дедим мен. — бироқ болани... нега?... Аблахлар!

Бу гапни мен адолат туйғусидан келиб чикиб айтгандим, аслида эса кўнглимда бу йигитчага нисбатан зигирча меҳр йўк эди. Унинг юзи сип-силлик эди, ўлим ваҳмидан башараси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Уч кун бурун у бошқача, мўртгина бир ўсмир эди – бундай болалар ёкимтой бўлишади, бироқ энди у тўкилиб-тугаб бораётган эски харобага ўхшаб колган, назаримда тирик кўйиб юборишган тақдирда хам умрининг охиригача шундай хароб ахволда коларди. Умуман, болакайни аяшгани маъкул эди,

бирок шафкат туйгуси баттар нафратимни кўзгади, боз устига, йигитчани жиним суймасди.

Хуан бошка огиз очмади, ранг-рўйи бўздай оқариб кетди: кўллари, юзи кўкарди. Бакрайган шокосадай кўзларини ерга кадаб олди. Том кўнгилчан эди, боланинг кўлидан олиб, рахмдиллик килмокчи бўлди, бирок у жон-жахди билан силтанди, юзи буришиб кетди.

— Тинч кўй уни, — дедим Томга. — Кўрмаяпсанми, хозир у портлайди.

Том гапимга истамайрок кулок солди: унинг болакайни эркалагиси келаётганди — бу билан ўз қисматини унутишга уринарди. Иккаласи ҳам менинг газабимни алангалатди. Олдинлари мен ўлим хақида ҳеч ўйламаганман — бунга сабаб бўлмаган, бирок энди ўзимни ажал кутиб турганини ўйлашдан бошка иш қолмаган эди.

— Менга қара, — сўради Том, — сен улардан бирортасини гумдон қилганмисан ҳеч? Мен гапирмадим. Том августнинг бошидан бери олтитасини қандай отиб ўлдирганини таърифлай кетди. У бошимизга тушиб турган кўргуликни ҳаёлига келтирмас ва буни истамаётганини ҳам мен жуда аниқ сезиб турардим. Қолаверса, қандай фожеа рўй берганини ўзим ҳам хали чуқур англаб етмагандим, бирок жон таслим қилаётиб азоб чекишимни ўйлардим, чўгдай ўқлар ёмгири баданимни тешиб кетаётганини ҳис қилардим. Аммо бунинг юз беражак фожеага ҳеч қандай боғлиқ жойи йўқ эди. Хаяжонланмасам ҳам бўларди: фожеанинг мохиятига етиш учун вақт сероб — олдинда бутун бир окшом турибди. Том қутилмаганда жимиб қолди. Мен кўз қирим билан қарадим ва унинг ҳам ранг-рўйи бўзарганини кўрдим. У афтодаҳол қиёфада эди ва миямда: «Ана, бошланяпти!» деган фикр ярқ этди.

Шом қуйилиб келарди, тирқишлардаги, туйнукдаги нур хира тортиб қолди. Туйнукдан юлдузларга кўзим тушди: тун совук, осмон очик эди.

Ешиқ очилиб, ертўлага икки кўрикчи қирди. Уларнинг ортидан оқ сарикдан келган белгияча харбий қийимда бир киши қирди. У бизлар билан саломлашиб, шундай деди: —Мен табибман. Хозирги қайгули вазиятда сизлар билан бирга бўламан.

Унинг овози ёқимли, зиёлиларга хос эди. Мен ундан сўрадим:

—Нима мақсадда?

—Мен сизнинг хизматингизданман. Кўлимдан келадиган ҳамма нарсани қилишга тайёрман, шояд, сўнги соатларингизни бироз бўлса-да енгиллатишга қўмақлашсам.

—Нега атай бизнинг олдимизга келдингиз? Госпиталда беморлар кўп-ку.

— Мени шу ерга жўнатишди, — деди у мужмал жавоб қилиб ва шу нафасдаёқ шошиб кўшиб қўйди: — Чекасиэларми? Менда сигарета бор, хатто сигара ҳам.

У бизларга инглиз сигареталарини ва гаванна сигараларини чўзди, биз рад этдик. Мен унга синчиклаб қарадим, у бесаранжон бўла бошлади. Шунда унга айтдим:

—Сиз бу ерга рахм-шавкат кўрсатай деб келганингиз йўқ, тўғрими. Сизни танидим. Мени кўлга олишган қуни қазарма ховлисида кўргандим сизни. Фалангчилар билан бирга эдингиз.

Мен унга юрагимни буткул тўқиб-солмокчи эдим, бирок хайронман, нимадир бунга монелик қилди: туйкуздан белгиялик мени қизиқтирмай қўйганди. Авваллари мен бировга ёпишсам, тутган жойимни осонликча қўйиб юбормасдим. Айни чоғда ўз-ўзидан гапиришга иштиёқ йўқолди. Мен елкамни қисиб, кўзларимни олиб қочдим. Бир неча дақиқадан сўнг бошимни кўтардим ва белгиялик мени қизиқувчанлик билан қузатаётганини пайқадим. Кўрикчилар ўтириб олишди. Бесўнақай Педро зерикканидан нима қиларини билмайди, ора-сира ухлаб қолмаслик учун, бошини силқиб қўяди.

—Чирок келтирайми? – кутилмаганда сўради Педро.

Белгиялик бош иргаб розилик билдирди ва мен бу доно хам товукмиялардан бўлса керак, деб ўйладим, бироқ барибир у жохилга ўхшамасди. Совук кўк кўзларига караб туриб, харкалай, у акли нокисларни даволаса ажабмас, деган фикрга бордим. Педро бир зумда керосин чирок кўтариб келди ва уни ўриндикнинг четига кўйди. Чирок хира ёритарди, аммо бу зим-зиё коронгудан кўра тузукрок эди. Чунки биз халигача зулматда ўтиргандик. Мен шипдаги чирокдан тушган ёруг доирага узок тикилдим. Афсунлангандай термулиб колдим. Туйкусдан хаммаси кўздан йўколди, ёруг доира сўнди. Мен хушимга келиб, гўё елкамдан огир юк босаётгандай титраб кетдим. Йўк, бу кўркув эмас, ўлим хакидаги машъум хаёл хам эмас. Бу туйгунинг номи йўк эди. Ёнокларим ловуллаб ёнар, бошим огрикдан зиркирарди.

Мен совукдан жунжикдим, шерикларимга карадим. Том кафтлари билан юзини бекитиб ўтирарди, мен унинг оппок семиз ўмганини кўрдим. Кичкина Хуаннинг ахволи баттар ёмонлашган эди: унинг огзи ярми очик, бурун катаклари пирпирарди. Белгиялик унинг ёнига борди ва елкасига кўлини кўйди: афтидан, у болакайга далда бермокчи эди, бироқ унинг кўзлари хамон совук бокарди. Хуан килт этмади. Белгиялик унинг билагини учта бармоги орасига олиб сикиб ушлади, умидсизлиги юзидан билиниб турса-да, у бироз ортга, менга оркасини ўгирмокчи бўлиб тисланди. Мен бўйимни чўзиб караб, унинг чўнтагидан соатни олганини ва кўлини кўйиб юбормай, соатга тикилиб турганини кўрдим. Кейин у оркарокка четланди, Хуаннинг кўли шалвираб тушди. Белгиялик деворга суянди, бироз туриб нимадир ёдига тушгандай шошилиб ён дафтарчасини чикарди-да ёза бошлади. «Канжик! – дедим ичимда коним кайнаб. — Менинг томирларимниям бир ушлаб кўрсин-чи, башарасини бузиб ташлайман!» У менга якинлашмади, бироқ бошимни кўтарганимда кўзларим кўзига тушди. Мен тик караб туравердим. Кандайдир синик овоз билан у менга деди:

—Сезмаяпсизми, бу ер совук?

Хакикатан хам у совкотаётганди: юзи кўкариб кетган.

—Йўк, мен совкотаётганим йўк, — дедим.

Бироқ у мендан совук нигохини узмади. Шу лахзада мен гап нимадалигини пайкадим. Кўлим билан юзимни силадим: юзимни чиппа тер босган эди. Яхлаб ётган бу ертўлада, кишнинг кахратон палласида, тагин тўрт томондан изгирин изиллаб турган бир пайтда вужудимдан тер куйилиб окарди. Сочларимни ушлаб кўрдим: жикка хўл. Эгнимдаги кўйлагимни сикса бўларди, у баданимга ёпишиб кетганди. Карийб бир соатдан бери мени тер босаётган экан, мен эса буни сезмабман. Хайвон — белгиялик буни кўриб турган. У юзимдан реза-реза тер томчилаётганини кузатган ва: мана, кўркувнинг аломати, ўлим дахшатининг окибати, деб ўйлаган бўлиши мумкин. У ўзини баркамол инсондай хис этган ва озод одам катори шунчаки совкотаётганидан гурурланган. Ўрнимдан туриб унинг тумшугига мушт туширгим келди. Бироқ ўрнимдан турган дамда вужудимни чуллаган номус ва газаб туйгуси каёккадир йўколди, мен буткул хафсаласизлик билан ўриндикка чўкдим. Чўнтагимдан дастрўмолни олиб бўйнимни артиб, шу билан каноатланган бўлдим. Энди сочларимдан тер оқаётганини сездим, бу ёкимсиз хол эди. Шундан сўнг артинмай кўя колдим: дастрўмолча жикка хўл бўлиб колган, тер эса куйилиб келарди.

Оркаларимга оккан тердан шимим ўриндикка ёпишиб колди.

Шунда туйкусдан кичкина Хуан гапириб колди:

— Сиз табибмисиз?

— Ха, — деди белгиялик.

— Айтинг-чи... бу... ўшанда каттик огрийдим... узок давом этадими?

— Кайси бу... ўшанда... Йўк, жуда тез ўтиб кетади, — деди белгиялик меҳрибон охангда. Кўринишидан у пул тўлаган беморни тинчлантираётган докторга ўхшарди.

— Мен эшитган эдимки... менга айтишганди... баъзан... биринчи марта отишганда... чикмайди деб.

Белгиялик бош чайкади:

— Агарда биринчи марта отганда ўқлар дархол ўлдирадиган аъзоларга тегмаса шундай бўлади.

— Унда милтикларни яна ўклашиб, кайта мўлжалга олишадими? — У овозини бироз пасайтириб, хириллаган товушда кўшиб кўйди: — Бунинг учун вақт керак-да, а? Хуанни жисмоний огрикнинг азоби кўркувга соларди: унинг ёшида бу табиий, албатта. Мен эса бу ҳақда ўйламасдим, баданимдан куйилаётган тер ҳам огрик азобидан кўркканимдан эмас. Мен ўрнимдан туриб кўмир уюми томон юрдим. Том сесканди ва менга кахрланиб каради: оёгимдаги бошмоқларимнинг гичирлаши унинг гашини келтирди. Нахотки менинг юзим ҳам шундай оқариб кетган бўлса, деб ўйладим. Осмон чиройли эди, мен ўтирган бурчакка ёруғ тушмасди. Бирок энди хаммаси бошқача: бурун черковнинг картсерида ўтирганимда хоҳлаган пайтда осмоннинг бир парчасини кўра олардим ва бу хар сафар хаёлимда турли хотираларни уйготарди. Тонг махали, осмон ёркин зангори ва тубсиз бўлиб кўринган чоғлар Атлантика киргоқларидаги чўмиладиган жойларни тасаввур килардим. Чошгоҳда, куёш тик тепага келганда Севил кахвахонаси хотирамда жонланар, у ерда мен мансанил хўплаб, анчоус ва зайтун меваларидан тамадди килган эдим. Тушдан сўнг, устимга кўланка тушганди, улкан стадионнинг тенг ярмини коплаган куюк соя кўз олдимга келар, одатда майдоннинг колган ярмини куёш нури чўлгаб ётарди; шу зайл — кафтдек осмон парчасига термулиб, ернигина кўришга махкумлигим менга алам киларди. Бирок хозир мен осмонга локайд қарардим: осмон парчаси хотирамни мутлако безовта килмасди. Бу ҳолат ўзимга маъкул туюларди. Жойимга кайтиб, Томнинг ёнига келиб ўтирдим. Жим ўтирдик. Бироздан сўнг у синик овозда гапира бошлади. У гапирмай туролмасди: товушини чикариб гапиргандагина ўзининг тириклигига ишонч хосил киларди. Афтидан, тескари қараб ўтирган бўлса-да, менга гапирди чоғи. У менинг башарамга қарашга чўчирди, юзимни тер босган, рангу кутим ўчган, тупрокдай: энди биз бир-биримизга жуда ўхшардик, биримиз бошқамизни ойнадагидай аниқ акс эттирдик. У белгияликка — тирик одамга каради.

— Бунга тушунишга сенинг қурбинг этадими? — сўради у. — Меники етмайди.

Мен ҳам синик овозда гапира бошладим ва унга ўхшаб белгияликка қарадим.

— Нимани айтаяпсан?

— Хадемай бошимизга тушадиган кўргуликни. Хечам аклимга сигдиролмаяпман — нима бўларкан.

Мен Томдан галати хид анкиётганини сездим. Афтидан, хидларни одатдагидан кўра ўткиррок сеза бошлагандим. Унга захарханда килдим:

— Куюнма, хадемай тушуниб оласан.

Бирок у ўша зайлда давом этди:

— Йўк, бу ақлга сигмайди. Мен охиригача туриб беришни хоҳлайман, бирок мен... жуда бўлмаганда билишим керак... Демак, шундай... бироздан кейин бизни ховлига олиб чиқишади. Бу ифлослар рўпарамизда саф тортишади. Сенинг-ча, улар нечта бўлиши мумкин?

—Билмайман, бешта бўлар, балки саккизта. Бундан кўпмас.

—Майли, саккизта бўла колсин. Уларга: «Нишонга олинг!» деб кичкиришади. Мен ўзимга ўқталган саккизта милтикни кўриб турибман. Деворга суянмокчи бўламан, кифтимни деворга тирайман, жон-жаҳдим билан капишиб олишга уринаман, худди тушда — босинкирагандай девор мени итаради. Буларнинг барини мен кўз олдимга келтираяпман. Билсайдинг, канчалар аник тасаввур килаётганимни!

—Биламан, — дедим.—Мен ҳам сенчалик тасаввур кила оламан.

—Харкалай, жуда каттик огриси керак. Ахир, улар башарамизнинг абжагини чиқариб ташлаш учун тўғри кўзимизга, огзимизга отишади,—унинг овози аламли тус олди.—Мен танамдаги яраларни хис этаяпман, бир соатдан бери бошим, бўйним зиркираб огрияпти. Бу одатдаги огрик эмас, ундан баттар: бу эрта тонгда мен хис этадиган огрик. Хўш, ундан кейин нима бўлади?

Томнинг нима демокчи бўлаётганини жуда яхши англаб турардим, бироқ унинг буни пайкаб қолишини истамасдим. Аъзойи баданимда у айтаётган огрикни хис этдим, огрик майда яра-чакалардай, чандикдай бутун танамга ёйилган эди. Мен бунга кўниколмадим, бироқ Томга ўхшаб жиддий ахамият ҳам бериб ўтирмадим.

—Ундан кейинми? — кахрим кўзиб сўрадим. —Ундан кейин сени курт-кумурскалар ейди. Бу гапларимдан сўнг у ўзига-ўзи гапира бошлади, бироқ белгияликдан кўзини узмади. Белгияликнинг гўё қулоғи том битган, ҳеч нимани эшитмаётганга ўхшарди. Унинг бу ердалиги сабабини мен тушунардим: бизнинг ўй-хаёлларимиз белгияликни кизиктирмасди, у бизнинг хали хаёт барқ уриб турган, бироқ ўлим талвасасига тушган танамизни назорат қилиш учун келганди.

—Худди тушингда босинкирагандай, — давом этди Том. —Бир нимани ўйламокчи бўласан, хаёлинг ҳам жойида, фикрлай бошлайсан, яна бир дақиқадан сўнг тубига этадигандайсан, бироқ кейин хаммаси каёққадир гойиб бўлади, йўқолади. Ўзимга ўзим: «Кейин-чи? Кейин ҳеч нима қолмайди», дейман. Бироқ бунинг нималигини мен тушунмайман. Гоҳо шундай туюладикки, мен қарийб хаммасига тушуниб етдим... бироқ шу лаҳзада бари барбод бўлади, огрик, ўқлар... милтиқларнинг қаторасига отаётгани кўз олдимга келади. Мен материалистман, қасам ичишим мумкин, менга ишон, ақлим жойида, бироқ ҳушимни сира йигиб ололмаяпман. Кўзимга ўзимнинг жонсиз жасадим кўринаяпти, бу унча қийин эмас, аммо кўриб турган Менман, мурдага қараб турган кўзлар ҳам Менинг кўзларим. Энди ўзимни ҳеч нимани кўрмаётганимга, эшитмаётганимга ишонтирмокчи бўлаяпман, хаёт эса давом этаверади. Бироқ бизлар бемалол фикрлаш учун яратилмаганмиз. Биласанми, бир неча окшом киприк қокмай тонгларни оттирганман, ниманидир қутганман. Бироқ эрта тонгда бизни қутаётган кўргулик, Пабло, буткул бошқа нарса. У орқадан келаётир, унга қарши туришнинг ҳеч бир иложи йўқ.

—Ўчир, — дедим мен унга.—Балки олдинга рухонийни чақириш керакдир?

У жим бўлди... Орадан бироз ўтгач, Том менинг кўлимдан ушлаб, чет термулиб турган кўйи деди:

—Пабло, мен ўзимдан ўзим сўрайман... ҳар дақиқада ўзимдан сўрайман: нахотки биз изсиз йўқ бўлиб кетсак?

Мен кўлимни тортиб олдим ва унинг юзига қараб:

—Оёгингнинг остига қарасанг-чи, чўчка, — дедим.

Унинг оёқлари тагида қўлмақ пайдо бўлган, иштонидан томчилар томчилаб турарди.

—Бу нима? — дея мингирлади у ҳушини йўқотиб.

—Иштонингни ҳўллаб қўйибсан, — дедим мен.

—Ёлгон! — кичкирди у. —Ёлгон! Мен хеч нимани сезмаяпман.

Юзида мунофикона хамдардлик билан белгиялик бизга якинлашди.

—Ўзингизни ёмон хис этаяпсизми?

Том жавоб килмади. Белгиялик чурк этмай кўлмакка караб турарди. —Билмайман нега бундай бўлганини. —Томнинг овози кахрли тус олди. —Бирок мен кўркмайман. Касам ичиб айтаман, кўркмайман!

Белгиялик гапирмади. Том ўрнидан туриб, чоптиргани бурчакка караб кетди. Кайтиб келиб, тугмаларини кадаб, яна курсига чўкди ва шундан сўнг кайта огзини очмади.

Белгиялик ўзининг ёзув-чизувларига киришди.

Бир махал туйкусдан белгияликнинг миясига галати фикр келди шекилли:

— Дўстларим, — деди у. —Мен ўзимга шундай бир вазифани олмокчиман, агар харбий махкама карши бўлмаса, албатта. Сизга ўзингиз кадрлайдиган одамларга бир неча сўз айтиш учун имкон бермокчиман...

Том мингиллади:

—Менинг хеч кимим йўк.

Мен индамадим. Том бир дакика кутиб турди-да, кейин кизиксиниб сўради:

—Сен Кончага бирор гап айтиб колишни истамайсанми?

—Йўк.

Бундай гапларга бардошим етмасди. Бирок ўзимдан бошка хеч кимни айбдор хам килолмасдим: мен кеча Томга, айтмаслигим керак эди-ю, аммо Конча хакида гапиргандим. Мен Конча билан бир йил турдим. Кеча у билан беш дакика учрашиш учун кўлимни чопиб ташлашларигаям рози эдим. Томга Конча ҳақда гапирганимнинг сабаби хам шу: бу туйгуни тиядиган куч менда йўк эди. Хозир эса уни хатто кучоклашга хам хошим йўк: мен ўзимнинг танамдан жирканардим, чунки баданим туссиз-кулранг, шилимшик бўлиб колган. Ўлимим хакида эшитиб Конча йиглайди, бир неча ой хаётдан безиб юради. Мен барибир ўлишим керак бўлган одамман. Унинг чиройли, майин кўзларини эсладим: у менга караганида вужудимга нимадир куюларди. Бирок энди бундай бўлмайди, тамом: энди карагани билан нигохи менгача етиб келмайди. Мен ёлгизман энди.

Белгиялик чўнтагидан соатини чиқариб каради:

— Уч ярим, — деди у.

Канжик, атай айтди буни! Том ўтирган жойида калкиб тушди — биз алахсиб вақтнинг ўтаётганини унутган эдик, тун кора пардаси билан бизни чалгитган эди, мен окшом качондан бошланганини эслай олмадим.

Кичкина Хуан товуш чиқара бошлади. У кўлларини сермаб, кичкирди:

—Мен ўлишни хохламайман, ўлишни хохламайман!

У кўлларини олдинга чўзганча ертўлани айланиб югурди ва юзтубан йикилиб ётган жойида фарёд чека бошлади. Том хира тортиб колган кўзлари билан унга каради: Хуанни юпатишга унинг хоши йўклиги шундок сезилиб турарди. Бунинг хожати хам йўк: болакай биздан кўра кўпрок шовкин солаётган бўлса-да, бирок биз чекаётган гам-алам униқидан кам эмас эди. У худди жон талвасасига тушган беморга ўхшарди. Биз эса ундан-да баттар ахволда эдик.

У йигларди, мен унинг ўзига ачинаётганини кўриб турардим, бирок бу дамда у ўлим хакида ўйламасди. Мен хам йиглаб юборай дедим, ўзимнинг уволлигимдан кўнглим бузилди. Бирок шу пайт бошка бир холат юз берди: мен болакайга карадим, унинг силкинаётган озгин елкаларига кўзим тушди ва юрагимда гайриинсоний туйгу бош



кўтарди — мен на ўзимга ва бошка бировга шафкат килмайдиган холатда эдим. Ўзимга ўзим: сен мардларча ўлишинг керак, дедим.

Том ўрнидан кўзгалди, у шипдаги туйнукнинг шундок тагида, ёришиб келаётган осмонга караб турарди. Мен эса ичимда: мардларча ўлиш керак, мардларча, дея таъкидлар, бошка ҳеч нимани ўйламасдим. Бирок белгиялик соатни эслатганидан бери вақтнинг тез ўтаётганини хис этдим. Том гапирганда хали коронги эди:

—Ешитаяпсанми? – деди у.

—Ҳа.

Ховлидан оёк товушлари эшитилди.

—Бало борми уларга коронгида сандираклаб! Ахир, бизларни коронгида чиқариб отишмаса керак-ку.

Бир дакикадан сўнг жимлик чўкди. Мен Томга:

—Ёришяпти, — дедим.

Педро жунжикиб ўрнидан турди ва оркасига ўгирилиб:

—Итдай совкотдим, — деди.

Ертўлани гира-шира ёруглик коплади. Кулогимизга узоқдан ўк товушлари эшитилди.

—Бошланаяпти, — дедим Томга. —Чамамда, улар буни орка тарафдаги ховлида килишяпти.

Том белгияликдан сигарет сўради. Мен ўзимни тийдим: чекиш ҳам, ичиш ҳам кўнгилга сигмасди. Шу дакикадан бошлаб улар тинимсиз отишди.

—Тушундингми? – деди Том.

У яна нимадир демочки бўлди, бирок айтмади, эшикка каради. Эшик очилиб, тўрт нафар аскар билан лейтенант кириб келди. Том кўлидаги сигаретни тушириб юборди.

—Стейнбок?

Том жавоб бермади. Педро у ўтирган тарафга имо килди.

—Хуан Мирбал?

—Ана у, курсида ўтирган.

—Турилсин! — бакирди лейтенант.

Хуан килт этмади. Икки аскар уни кўлтигидан олиб, тургазиб кўйди. Бирок кўйиб юборишлари билан Хуан кулаб тушди. Аскарлар саросималаниб қолишди.

—Бундайларни энди кўраётганим йўк, — деди лейтенант. —Кўтариб боришга тўгри келади, ҳечкиси йўк, ҳаммаси рисоладагидай бўлади.

У бурилиб Томга буюрди:

— Чик!

Том икки нафар аскар куршовида ташкарига чикди. Колган икки аскар Хуанни кўлтигидан олиб уларнинг ортидан чиқишди. Хуаннинг хуши ўзида эди, кўзлари шокосадай, ёнокларидан кўз ёшлари окиб турарди. Мен эшикка караб кадам ташлагандим, лейтенант тўхтатди:

—Иббиета сизмисиз?

—Ҳа.

—Кутишингизга тўгри келади. Бироздан сўнг келишади сиз учун.

Шундай деб у ҳам чиқди. Унинг ортидан белгиялик ва икки сокчи чиқишди. Бир ўзим колдим. Нималар бўлаётганини тушунолмасдим, менга колса, улар ҳаммасини тезроқ хал килиб кўя қолишгани тузук эди. Милтикнинг қарсиллаган товуши эшитилиб турар, ораликдаги танаффус жуда киска эди. Уввос солиб бакиргим, сочларимни юлгим келарди. Бирок тишимни тишимга босиб, кўлларимни чўнтақларимга тикдим: бардош

килиш керак. Бир соатдан кейин мени олиб чикиш учун келишди ва биринчи каватдаги кичкина хонага бошлаб боришди, бу ердан сигарет хиди анкир, хона ичи дим, нафасим бугилиб колаёзди. Хонада икки нафар зобит оромкурсиларда ястаниб, чекиб ўтиришарди, тиззаларида ёйилган когозлар бор эди.

— Сенинг исм-шарифинг Иббиетами?

— Ха.

— Рамон Грис каерга яширинган?

— Билмайман.

Мени сўрок килаётгани семиз, пакана зобит эди. Унинг кўзлари ойнак тагидан менга каттик тикилиб турарди.

—Якинрок кел, — деди у.

Мен якинрок бордим. У ўрнидан турди ва менга кўзини тешиб юборгудай кадаб, шунака карадики, бу караши билан мени гўё дўзах азобига гирифтор килмокчидай эди. Кейин у кўлимни кайира бошлади. Бу билан менга азоб бермокчи эмас, балки шунчаки кўнглини ёзмокчи: ўзининг хукмдорлардан эканини хис этгиси келарди. У юзини юзимга яккин олиб келди, димогимга огзидан анкиётган сассик хид урилди. Бу бир даккикача давом этди ва мен ўзимни кулгидан зўрга тийиб колдим. Хадемай ўладиган одамни чўчитиш учун бу кифоя килмасди, унинг кўрсатган хунари анчайин ночор харакат эди. Кейин у кўкрагимдан итариб юборди ва бориб жойига ўтирди.

—Ё сен отиласан ёки у. Агар унинг каердалигини айтсанг тирик коласан.

Бу кимсалар хам бўйинларидаги бўйинбогу, оёкларида ялтирок этиклари билан бир куни ажалга рўпара келишлари аник. Тўгри, мендан кейин, биров орадан кўп ўтмай шундай бўлади. Улар кўлларидаги когозларга ёзилган аллакандай исмларга белги кўяр, одамлар ортидан тозидай кувар, уларни тутиб камар ёки отиб ташларди. Испаниянинг келажаги ва бошка кўп нарсалар хакида уларнинг ўзларининг карашлари бор эди. Ахмокона фаолликлари, елиб-югуришлари эса менинг гашимни келтирарди ва кулгили туюларди: аклдан озган бу телбаноме нусхаларнинг ўрнида бўлишни хечам хохламасдим.

Пакана бакалок мендан кўзини узмасди, бот-бот этигининг кўнжига камчи билан уриб кўярди. Бу килиги билан ўзининг йирткич хайвончалик берахм эканини бошкаларга уктириб кўймокчи бўларди.

—Хўш, тушундингми?

—Гриснинг хозир каердалигини билмайман, — жавоб килдим мен, —ехтимол Мадриддадир.

Бошка бир зобит керишиб кўлини кўтарди. Бу эринчок харакат хам хисоб-китобли эди. Мен уларнинг зимдан тайёрлашган ўйинларини жуда яхши сезиб турардим ва бундай ўйинлардан хузурланадиганларнинг борлигидан хайратга тушардим.

—Ўйлаб кўришинг учун чорак соат мухлат берамиз, — деди у, — ечинадиган хонага олиб чикинглар уни, ўн беш даккикадан кейин олиб кининглар. Агар тихирлик килса, жойида отиб ташланглар.

Бу канжиклар нима килишаётганини яхши билишарди: тун бўйи мени куттиришди, кейин ертўлада бир соат ёлгиз саклашди, Хуан билан Томни отиб ташлагунча кутдим, энди эса мени ечинадиган хонага камаб кўйишмокчи—улар бу ўйинни кеча ўйлаб топишган. Асаби дош беролмайди, синади деб ўйлашган. Биров улар янглишади. Демак, улар мени Грис яширинган жойни билади, деб ишонишаётир. Грис шахардан тўрт километр наридаги амакиваччаларининг уйига яширинган. Уни сотиб кўймаслигимга ишончим комил, факат кийночка солиб азоблашмасе бўлгани (афтидан, улар бу хақда ўйлаб хам кўришмаган).

Булар бари менга кундай равшан, колаверса, мен хаммасидан совиб бўлдим. Бирок айни дамда мен нега ўзимни бундай тутаетганимни билгим келарди: нега мен бошқача бўлолмаяпман, деб ўйладим. Нега итдай ўлиб кетишим керак, нима учун энди Рамон Грисни сотмаслигим керак? Хўш, нега? Ахир, мен Рамонни хурмат килмай кўйдим-ку. Унга хурматим, биродарлик туйгуларим ўша окшом бархам топган эди-ку: Кончага мухаббатим яшашга иштиёким — бари ўша окшом тугаб битди-ку! Тўгри, шунгача мен Грисни доим кадрлаб келганман, у мард одам эди. Не бўлса-да унинг учун курбон бўлишни бўйнимга олган эдим: унинг хаёти мен учун ўзимникидан азизрок эди, аслида, хар қандай хаётнинг, тирикликнинг сарик чакалик кадри йўк. Ахир, одамни деворга тираб кўйиб юз-кўзига ўк ёғдиришса, отиб ўлдиришса — бу мен бўламанми ё Роман Грисми ёки бошқа бировми — тирикликда маъни қолмайди: хаммаси ахамиятини буткул йўкотди. Аммо мен хозир тирикман, Роман Грисни сотиб жонимни саклаб қолсам бўлади, бирок буни қилмаяпман. Эшакларча қайсарлигим ўзимга қизик туюларди. «Шу қадар ахмок бўламан-ми!», деб ўйладим. Бу ўйдан, хатто, қайфиятим озрок кўтарилди ҳам. Кейин улар мени ўша тор хонага бошлаб боришди. Оёқларимнинг орасидан қаламуш югуриб ўтди, буям менга қизик туюлди. Мен сокчилардан бирига ўгирилиб:

—Қара, қаламуш, — дедим.

Сокчи жавоб қилмади. Унинг башараси тунд, чамамда бўлаётган воқеаларни у ўта жиддий қабул қилаётган эди. Хохлаб қулгим келди, ўзимни тутдим: агар бир қулишга тушсам ўзимни тўхтатолмайман, деб кўрдим. Сокчининг мўйлови бор эди. Мен унга:

—Мўйловингни кириб ташла, тентак, — дедим.

Тирик одамнинг бетини тук босгани менга қулгили туюлди. Сокчи ҳафсаласизлик билан кетимга бир тепди, мен жим бўлдим.

—Хўш, — деди бақалок. — Ўйлаб кўрдингми?

Мен унга қамёб ҳашаротга қарагандай сохта қизиқувчанлик билан қарадим ва:

—Ҳа, мен унинг қаердалигини қиламан, — дедим. — Грис қабристонга яширинган. Бирор лаҳаднинг ичида ёки қоровулнинг уйчасида бўлиши керак.

Қел, охирида буларни бир лақиллатай, дедим-да. Ховлиқиб қилтиқларини кўтариб бақириб-чақиритларини, тўрт тарафга қопқилашларини кўриб маза қилгим келди. Чиндан ҳам улар ўтирган жойларидан учиб туришди.

—Қеттик! Қолис, лейтенант Лопесдан ўн беш қиши олинг!

—Агар алдамаётган бўлсанг, — деди бақалок, — мен ваъдамда тураман. Бирок бизни лақиллатган бўлсанг, қилиб қўй, қог қолмайсан.

У қикиб қетди. Мен сокчилар қуршовида ўтирган жойимда қолдим. Ора-қира қулиб қўяман: уларнинг қабристонда изқишиб, тўрт тарафга аланглаб қопқилаб қуришгани кўз олдидан ўтади. Қарқалай жуда ақлли иш қилдим, деб ўйладим. Қабр тошларини кўтариб, лаҳадларнинг ичига қараб оқвора-ю қарсон бўлишаётганини тасаввур қилиб ҳузурландим. Орадан бир қарим соатча вақт ўтди, бақалок қайтиб қелди. Энди мени отиб ташлашга буйруқ берса керак, деб ўйладим. Қолганлар, ақтидан, қабристонда қолишганди. Бирок қобит менга қикилиб қаради. Башарасидан ахмок бўлганини ақлатадиган аломатлар сезилмади.

—Уни қатта ховлига олиб қикинлар, ўша жойдақиларга қўшинлар, — деди у. — Қангдан сўнг унинг тақдирини трибуна ҳал қилади.

Мен унинг гапларини яқши ақлолмадим. Ундан сўрадим:

—Қима, мени отишмайқими?

—Умуман олганда, хозир отишмайди. Қолаверса, бу энди менинг вақифамга қирмайди.

Нима бўлаётганига аклим етмасди.

—Нега энди? – дедим хайрон бўлиб.

У гапирмади, елкаларини учирди, холос. Аскарлар мени олиб чикиб кетишди. Катта ховлида юз чокли махбус: кариялар, болалар тўдалашиб туришарди. Нима бўлаётганига аклим етмай, ховли ўртасидаги гулзор атрофида санкий бошладим. Чошгоҳда бизни ошхонага олиб киришди. Икки-уч киши мен билан гаплашмокчи бўлди. Афтидан, бизлар таниш эдик, бироқ мен орага гап кўшмадим: каерданман, нималар бўляпти—тушунолмаётгандим. Кечкурун ховлига яна бир тўда махбусларни хайдаб киритишди. Улар орасида новвой Гарсиани танидим. У мени кўриб кичкирди:

— Омадинг бор сенинг. Тирик кўраман деб ўйламагандим.

— Улар мени отувга хукм килишди, — дедим мен, — кейин бу фикрдан кайтишди. Нега бундай килишди, билмайман.

— Мени соат иккида ушлашди, — деди Гариас.

— Нима учун?

Гариас сиёсат билан шугулланмасди.

—Хеч тушунолмайман, — деди Гариас, —улар ўзларига ўхшаб фикр юритмайдиганларнинг хаммасини тутишяпти.

У овозини пасайтириб:

—Грисни кўлга туширишди, — деди.

Мен сесканиб кетдим.

—Качон?

—Бугун эрталаб. Ўзи ахмоклик килди-да. Чоршанба куни жахл устида укаси билан уришиб қолиб, унинг уйдан чикиб кетди. Яширинишга ёрдам берадиган сонмингта эди, бироқ у хеч кимга зиёним тегмасин, деди чамаси. Менга: «Ибиетанинг уйига яширинсам бўларди, бироқ уни хибсга олишибди, кабристонга бекинаман», деди.

—Кабристонга?!

—Ха. Ахмоклик килди. Бугун эрталаб улар кабристонни босишди. У коровулнинг уйчасида экан, ўраб олишди. Грис каршилиқ кўрсатишга уринди, бироқ улар Грисни отиб ўлдиришди.

—Кабристонда-я?!

Кўз олдим коронгулашиб юз тубан йикилдим. Овозим борича шунака ках-ках уриб тўхтовсиз кулардимки, кўзларимдан ёш тиркирарди.

Ахмад ОТАБОЙ таржимаси.